

## **Бош канал (БК) ва ҳўжаликлараро тармоқ (ХАТ) нинг бўйлама ва кўндаланг кесимларини лойихалаш.**

Намунавий ХАТ ва БК ларнинг бўйлама кесимларини умумий қабул қилинган қоида ва шартли белгиларда миллиметрли қоғозларда бажарилади.

Тавсия қилинадиган миқёслар:

а) тик 1:100

б) ётиқ ХАТ учун 1:10000 ёки 1: 20000, БК учун 1:50000.

Каналнинг бўйлама кесимлари қуйидаги тартибда лойихаланади:

1. Каналларнинг бўйлама кесимларини лойихалашда кичик тартибли каналлардан бошлаб олиб борилади.

2. Каналнинг пикетлари лойихалаш планидан олиниб, қабул қилинган масштаб бўйича бўйлама кесимнинг 11- қаторига ёзиб чиқилади.

3. Хар бир пикет бўйича планда ер сатҳи нуқталари (ЕСН) аниқланиб, бўйлама кесимнинг 1- қаторига ёзиб чиқилади.

4. Канал тармоқларининг сув олиш жойларидаги зарур меъёрий сув сатҳи нуқталари (МССН) аниқланади:

$$МССН=ЕСН+h_k, м$$

бу ерда:  $h_k$  – каналнинг сув бериш жойларида ер сатҳидан сув сатҳининг кўтарилиш баландлиги, ХАТ учун 0,4 м; БК учун эса 0,5 м га тенг деб қабул қилинади.

Бош пикетлардаги МССН канал қисмининг ҳисобий нишаблиги ва оралик масофалари бўйича ҳисоблаб топилади. 000 Каналдаги МССН бир қисмдан иккинчи қисмга ўтганда гидротехника иншоотлари, яъни шаршара ёки тўсиш иншоотларини кўзда тутиб, лойихаланиши ҳам мумкин. Бунда канал бутунлай кўтарма ўтадиган бўлиши ва қўшимча гидротехника иншоотлари қуриш баҳоси ер қазиш ишлари ҳажмидан оқиб кетмаслиги зарур.

5. Канал туби нуқтаси (КТН) қуйидагича аниқланади:

$$КТН=МССН- h_{\text{меъёрий}}, м$$

бу ерда:  $h_{\text{меъёрий}}$  – канал ҳисобий қисмидаги меъёрий сув чуқурлиги, гидравлик ҳисоблаш натижаларидан олинади, м.

Ҳисобий қисмлар туташган жойларда канал тубининг фарқи 0,32м дан ошиб кетмаслиги шарт, акс ҳолда меъёрий сув сатҳлари лойихаси ўзгартирилади.

6. Каналдаги минимал сув сатҳи нуқталари (МССН) ҳисобланади:

$$МССН=КТН+ h_{\text{min}}, м$$

бу ерда:  $h_{\text{min}}$  – канал ҳисобий қисмидаги минимал сув чуқурлиги, гидравлик ҳисоблаш натижаларидан олинади, м.

7. Каналдаги тезлаштирилган сув сатҳи нуқталари (ТССН) ҳисобланади:

$$ТССН=КТН+ h_{\text{тез}}, м$$

бу ерда:  $h_{\text{тез}}$  – канал ҳисобий қисмидаги тезлаштирилган сув чуқурлиги, гидравлик ҳисоблаш натижаларига кўра олинади, м.

8. Канал дамба устининг нуқталари (ДУН) ҳисоблаб чиқилади:

$$ДУН=ТССН+ \Delta h_x, м$$

канал ҳисобий қисмининг сув сарфи миқдорига боғлиқ ҳолда қабул қилинади  
/1.9-жадвал/, м

1.9-жадвал. Тезлаштирилган сув сатхи баландлигига қўшиладиган ҳавфсизлик баландлиги

Канал сув сарфи миқдори, м <sup>3</sup> /с	Хавфсизлик баландлиги, м $\Delta h_x$
1-10	0,4
10-30	0,50
30-50	0,60
50-100	0,70
100	1,0

9. Хар бир пикет бўйича қазма чуқурлиги ( $h_k$ ) ҳисобланади:

$$h_k = ECH - KTH, \text{ м}$$

10. Хар бир пикет учун тупроқ тўқмаси баландлиги аниқланади:

$$h_T = ДУН - ECH, \text{ м}$$

11. Канал қисмлари бўйича гидравлик унсурлар / $Q, v, h, m, n, v_x, v_{й.к}$ / жадвал кўринишида ёзилиб, кўндаланг кесим унсурлари лойиҳаланади.